

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## ЭНГ ГЎЗАЛ ҚУВОНЧ — БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ



2002 йил — қарияларни қадрлаш йили

О. НУРМАМАТОВ олган сурат

Байрамлар жажжи ширинтой фарзандларимизнинг шодликлари-ю, ўйин-кулгулари билан гўзал, файзли. Янги йил байрамини эса юртимиздаги барча ўғил-қизларимиз интиқлик билан кутишади. Улар учун бошланган кўнгилли таътил дамлари унутилмас воқеаларга бой бўлди. Бу йилги “Президент арчаси” тантаналари Ўзбек миллий Академик драма театрининг мухташам биносида бошланди. Бу ерда кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг, “Меҳрибонлик уйлари”нинг фарзандлари “Президент ар-

часи” томошаларида қатнашишди. Кўркам арча атрофидаги гаройиб томошаларда болалар Қорқиз, Қорбобо, эртақлардаги турли қаҳрамонлар билан кўл ушлашиб бирга рақсга тушишди, ашулалар айтишди.

Ушбу Янги йил тантаналарида юртимизнинг эллик минг нафардан ортиқ болажонларига Президентимизнинг совғалари тарқатилди. “Эртақлар яхшиликка етақлар”, дея номланган театрлаштирилган томошалар барча вилоятларда ўтказиладиган тантаналарда намойиш этилди.

## СИРА ҲОРМАНГ, ТОЛМАНГ, СУЛТОНПОШША ОПА!



Аёл кишининг асл ёшани очик айтиш одобдан эмаслигини эшитгандим бир пайтлар. Нега? Балки умрининг барча фаслида ҳам гўзаллик, эзгулик рамзи бўлиб қолаверувчи аёлни аяш, аёлга ҳурмату эъзознинг бир кўриниши, ҳеч ерда ёзилмаган бўлса-да, лекин кўпинча риоя этилувчи бу қоида... Лекин мен негандир сўхбатдошим - Республикада хизмат кўрсатган юрист Султонпошша Мадрахимова ҳақида ўйларканман, ёшани бошларканман сўзим аввалиданок қаҳрамоним ёшани фахру ифтихор

билан, ҳавас билан қайд этгим келарверди. Султонпошша опа 74 ёшга кирибдилар-у, лекин кўз тегмасин илоё, ёшлик ғайрати, ёшлик завқу-шавқини ўзларидан узоклатмабдилар. 45 йил республика суд-хуқуқ идораларида терговчи, прокурор, судья сифатида фаолият кўрсатибдилар.

- 67 ёшимгача тўлақонли меҳнат билан банд бўлдим,- дейди Султонпошша опа. - Нафақага чиққач, сездимки, уйда бекор, дам олиб ётиш менга сира тўғри келмас экан. 1995 йили “Хуқуқ” адвокатлик хусусий фирмасини ташкил қилдим. Бундан ташқари Хоразм вилоят Бизнес фондида юристлик ҳам қиламан. Биласизми, 60 ёшимда машина ҳайдашни ўргандим. Нексия ҳайдайман, Хоразмга бир келсангиз машинада сизни ўзим олиб юраман.

- **Кексачилик, деганларидек, бу ёшга хос хасталиклар сизни безовта қилмайдими,- ўсмоқчилаб сўрайман.**

- Йўқ, ҳали ҳеч қандай хасталикни ҳис этганимча йўқ,- дейди сўхбатдошим.

- **Бунинг сирини нимада, деб ўйлайсиз?**  
- Меҳнатда, деб биланман. Мен ўз касбимни севаман. Бу соҳада бир умр берилиб ишладим. Умуман олганда хуқуқшунослик энг мураккаб касблардан ҳисобланади. Яна шундай фикр-

даманки, бу касб аёлларга айниқса оғир. Муаммолар куну-тун фикру хаёлингни банд этади. Инсон тақдири билан боғлиқ масалани ҳал этиш, одилонга йўлни - одилонга хулосани топишинг учун қаттиқ изланишинг керак. Аёл - она эса энг биринчи галда уй-рўзгорни ўйлаши керак. Шу сабаб турмуш ўртоғим вафот этганларидан сўнг ёшгина бўлсам-да, қайта оила қурмадим, биргина қизимни вояга етказдим.

- **Қизингиз ҳам сизнинг йўлингиздан бордиларми?**

- Йўқ, у гинеколог - врач. Куёвим - юрист. Худога шуқр, 4 неварам бор.

- **Мана, Президентимиз 2002 йилга “Қарияларни қадрлаш йили” деб ном бердилар. Хурсандирсиз?**

- Бўлмасам-чи! Биз кексаларни қадрлаганлари, эъзозлаганлари учун минглаб-миллионлаб тенгдошларим қатори Президентимизга ташаккуримни изҳор этаман. Инсон тирик экан, қалби яратиш руҳи билан ёнади. Мен ўзимни бугунги кунда ана шундай ҳис этмоқдаман.

- **Сизга ҳавасим келди. Султонпошша опа, доимо саломат бўлинг, хормай-толмай юринг,- дейман мен қаҳрамонимга чин дилдан.**

Д. САИДОВА

## УЙИМИЗНИНГ ФАРИШТАЛАРИ

Юртимизни дуо қилар, Дуоларин зиё қилар. Дунё ичра дунё қилар, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари. Эзгуликка сут эмирган, Тошларни сувдек симирган. Олтин боши нелар кўрган, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари. Бу борликни нурга ўрар, Аллоҳимдан тинчлик сўрар. Париларга ақл берар, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари. Тоғ деб ишониб туруримиз, Сизга суяниб юруримиз. Пойингизга бош уруримиз, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари. Сиз юлдузсиз, куёш-қамар, Ганжинаю дури гавҳар. Сизсиз умрлар бесамар, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари. Тилаймиз тегмасин офат, Сиз мисли нури ҳидоят. Хизрнафас, хурсифат, Уйимизнинг кексалари, Дуогўй фаришталари.

Зулфия МҮМИНОВА

# 2 Оила ва жамият

## ТАНИШНИНГ: ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



**Муқаддас УЛУГ'ХУЖАЕВА** — Наманган вилоятининг Косонсой туманида туғилган, "Истиқбол" номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси. У мактабда аъло ўқиш билан бирга тарихий ёдгорликларни ўрганишга жуда қизиқади. Икки йилдан буён қадимшunos олимлар билан тарихни ўрганишга бағишланган экспедицияларда қатнашмоқда.

Шеърлар ва хикоялар ҳам ёзади. "Оғоҳликка даъват" китобчаси чоп этилган. Мактабда шахмат-шашка тўғариғини бошқаради.

2001 йилда Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган турнирда фахрли 1-ўринни эгаллади.

— Биз Юртбошимиз томонидан ёшларнинг таълим олиши учун яратилган барча имкониятлардан унумли фойдаланишимиз керак. Бу эса Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб, юртимиз ўзин фойдали меҳнат қилишимизга ёрдам беради, дейди жамоатчи киз Муқаддас. У танловда фан йўналиши бўйича қатнашапти.



**Дилором БЕРДИЕВА** — Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида бўлиб, фан йўналиши бўйича танловда иштирок этмоқда. У Тошкент Давлат Тиббийёт институтининг VII-курсида аъло баҳолар билан ўқияпти. Дилором юрдошларимизнинг соғсаломат бўлишларини жуда истайди. Шу мақсадда тиббийёт ва биологияга оид тадқи-

қотлар қилмоқда. «Миллори Вейс синдроми» энг кам аниқланган касаллик ҳисобланади. Дилором I-поликлиника бўлимидаги 7 йиллик архив материалларидан фойдаланиб, жами 5000 бемордан 35 тасини ўз тадқиқотларини қўлаган ҳолда даволади. Шунингдек, "Оғули инъекция қабул қилаётган гиёҳвандлар орасида ВИЧ инфекциясининг олдини олиш ва самарали чора-тадбирлари" мавзусидаги иши тадқиқотларининг энг асосийсидир. Изланувчан Дилором халқаро ва республика семинарларида ҳам ўз маърузалари билан муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Аълочи ва зукко Дилором адабийоти ҳам жуда севади. "Дил изҳори", "Оқ орзулар тонги" китоблари ўз мухлисларини топган.



**Шахноза РАҲМОНОВА** — Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳрида туғилган. Фан йўналиши бўйича танловда қатнашапти. А. Икромов номли мактабнинг 9-синфини аъло баҳоларга тугатган. Табиатни жуда севади. Бугунги кунда дунёни ташвишга солиб турган глобал муаммо — эколо-

гия ва инсон муносабати Шахнозани ҳам ўйлантиради. Шахноза Муборак тумани биологиясини ва хусусиятларини ўрганиб чиқди. Ўзи табиат бўйича тайёрлаган кўргазмаларини мактабларга дарс ўтиш учун тақдим этди. Шахноза Муборак туман телевидениесининг энг ёш суҳбатдорларидан. Шунингдек, спортни, расм чизишни ва Қашқадарёга хос кашта тикиш турларини ёқтиради. Ўтган йили Шахнозанин "Она заминни асра, инсон!", дея номланган китоби чиқди. Унинг шеърлари бегубор, дилга яқин.


**Мен яшашни шу кўклардан ўргандим, Мен курашни ўргандим шу кўклардан. Юрагимда тугён урар орзулар, Орзуимга қанот олдим кўклардан.**



**Анифа АРТИКОВА** — Қорақалпоғистоннинг Тахиятош шаҳрида туғилган. Қорақалпоғистон тасвирий ва амалий санъати лицейининг 9-синф ўқувчиси. Анифанин "Яйловда", "Қирғовулар", "Ажиниёз ва Минали айтишуви", "Орол 21-асрда", "Наврўз байрами" асарларида қорақал-

поқ халқига хос миллий урф-одатлар, табиатни асраш каби масалалар ўз аксини топган. Анифа Ватан манзаралари, бахтли болаликнинг бегубор дамлари акс эттирилган 50 дан ортиқ асарлари билан АҚШ, Австралия, Голландия, Чехия, Ҳиндистон, Миср, Япония каби мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда қатнашди, турли дипломлар, олтин ва кумуш сертификатлар билан тақдирланди. Бу ютуқлари ёш Анифага қанот бахш этди. Ҳозир у янги асарлар яратиш орзусида. Танловда санаъят йўналиши бўйича қатнашапти.

**Б.САЙИДАЛИЕВА тайёрлади**



Чорсанбай муродбахш куни маликаси? Аёл боши билан кўнгила тугди ва канизак ўлангзорни ихтиёр этмакни қўнгила тугди ва канизак Оққизни ёнига чорлатди. Оққиз маликанинг сирдош дугоналаридан бири. Мўнди бир қизалоқ туғилганда, яхши ният билан "Оққиз" деб атаган эканлар. Канизак малика чорлаганидан кувониб кетди, чунки унинг бугун Хонзода хонимга айтадиган муҳим гапи бор... У узун оқ кўйлагининг барлари шамолда елпинганча, саройнинг иккинчи ошёна-сига югуриб чиқа бошлади. Оққиз деганимиз, ўн беш ёшлардаги дурқунгина, тикмачоққина, кучла юзли, кўзлари ўйноқ билкиз... Бўяб кўйилгандай қопқора қошлари қорача рухсорни тагин ҳам кўхлик қилиб юборган. Қора сочлари узун бўлмаса ҳам бутун орқасини эгаллаган.

Оққиз зинага энди бир-икки қадам кўйиб-кўймаган эдики, кимдир орқадан, гулзор ёқдан товуш берди: — Мен бу ёқдаман, Оқ!..

Канизак шарт ортига қайтиб эшикдан чиқди, остонада тўхтаб ҳовли этагида, ўттиз қадамлар нарида лов-лов ёниб турган, одамнинг белидан келадиган чаман гулларга синчковлик билан тикилди. Ҳеч ким кўринмади. Канизак маликанинг яшириниб олганини билди, Хонзода хоним ҳамиша шундоқ, содда Оққизни лақиллатишни хуш қўрарди, бирон жойга беркиниб оларди-да, уни қидириб топа олмаганларидан роҳат қиларди. Охири топгунларигача сабри чидамасдан, кула-кула "мана, мен!" деб яширинган жойидан ўзи чиқиб келарди. Оққиз ўзини маликани қидирганга солди, аммо гуллар ёнига бормади. Бироздан кейин гуллар ичида самимий қаҳ-қаҳ отган хонимнинг хушбичим буй-баста намоён бўлди. Маликанинг қадди-камолидан латофат барқ уриб турарди.

— Боғладим-а, Оқ... Боғладим-а... — Шундай дер экан, маликанин хийёл ёшланган жон офати шахло кўзлари хузурдан қарақлаб ёнарди.

Оққиз Хонзода хонимга термилди, термилди-ю уни худди илк марта кўраётгандай маҳлиб бўлиб қолди. Ажабо, шу ўзининг

Мени халқимиз тарихида, давлатчилигимиз тарихида буюк ўрин тутадиган, катта аҳамиятга эга бўлган Амир Темур Кўрагон даври кўп қизиқтиради. Бу олтин давр ҳақида ўз вақтида шеърлар, "Гумбаздаги нур" достонини, "Сарбадорлар" тарихий романини қозоғга туширдим, улар зукко ўқувчиларимиз қўлига етиб борди. Навбатдаги "Улуғ салтанат" тарихий романида бевосита Амир Темур ҳаётига муурожаат қилинди. Асарда диққат кўпроқ Соҳибқироннинг оилавий ҳаётига қаратилган. Тарихий роман "Шарқ юлдузи" журналида эълон қилинмоқда...

**Муҳаммад АЛИ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Кот керакмас...  
- Ие!  
- Хевақ керакмас...  
- Ўлақолинг!..  
- Марви Шохйижаҳон керакмас...  
- Вой-вуй! Хали мен сенга бердим, сен олмадинг...  
- Ҳа-да!  
Икки қиз хийла тортишдилар. Бухоро-ю Балх, Тошкенту Саройлар ҳам иш бермади. Хонзода хоним қайси шаҳарни айтса, Оққиз, йўқ, дерди. Ҳазил-хузул билан бошланган гап жиддий тусга кирди.  
- Қайси шаҳарни истайсен ахир? Айтақол ўзинг! - ён беришга мажбур бўлди охири малика. - Истаганинги ол, майли!  
- Менга Самарқанд фирдасмонанди берингиз... - одатда сўраганда бўладиган хижолатдан ийманганча ўйноқи кўзларини маликага тикди канизак...  
Хонзода хоним тагин қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборганини билмай қолди.  
- Она шахрингни соғиндингму? Ўлақолинг! У кун ҳам Самарқанд деганда, билдирмай кўз ёши қилиб олдинг-а!..  
Оққиз Самарқанддан, аниқки Самарқанднинг кунчиқшидаги Кумушкент қишлоғидан. Канизакнинг отаси Шайх Киромиддин ас-Самарқандий муридларидан эди. Қизни ўн ёшида Шайхга назира қилиб бердилар. Шайх хоразмшоҳ Хусайн Сўфига бағишлади. Саройда Оққиз ўз одоби ва юриштириши билан маликага ёқиб қолди, уни бобоси Хусайн Сўфидан тилаб олди. Ўша-ўша, мана тўрт йилдирки, Хонзода хоним билан Оққиз бирга ётишиб, бирга туришади. Оққиз ота-онасидан ҳам, беш ола-сингилларидан ҳам, - улар оилада олти қиз эдилар, - беҳабар яшайди. Фақат Самарқанд деганда юраги титраб қўяди, мунгулғ қизнинг бундан ортигига қурби келмайди...  
- Йўқ, ундай эмас... - деди Оққиз бироз маъюслинаб. Кейин ўзини ўнглади-да деди. - Маликам, ижозат берсалар, бир сирни айтсам...  
- Ҳа, ўлақолинг!.. Шаҳарни мен берсам, сирни сиз айтсангиз... Ҳечам-да! Шаҳар олдингму, энди менинг гапимни эшитиб кўй! Кейин сеникини эшитамен!.. - қайсарлик қилди Хонзода хоним...  
**(Давоми 4-бетда)**

### Бу асарни ўқинг

чалар мафтун бўлиб турибди-ю, йигитларнинг албатта маликани кўриб беҳушу-беқарорликка ту-

## ХОНЗОДА ХОНИМ



шишлари аниқ-да! Шундан маликанинг гойибона ошкун шайдолари кўп, довруғи бутун Туронзаминга таралган. Талабгорларнинг сон-саногои ҳадиси...

Чиндан ҳам Хонзода хоним сулувлукда табиатнинг дурри яқтоси эди. Нур билан чайилгандай оқ-сарикдан келган тиниқ юзлари жозибига тўла, тим-қора хилло қошлари ўзига ярашган, шахло кўзлари ўтли, юпка ақиқ лаблари жон олади, иринининг ўнг томонидаги мўъжазгина қора холидан бошқа бу тоза рухсорга дахл этган бирон нимарса йўқ... Кулганда дурдай оппоқ тишларидан нур тараларди. Худди эртақдагидек, оппоқ томоқ, ширин дудок... Чиний нилгун кўйлагини хийёл туртиб турган қўрақлари ўзларида оламжаҳон сеҳрни ниҳон этган эдилар. "Маликам нақ балои офатнинг ўзинаси!" - дерди суки қириб Оққиз, ҳар гал маликани бошдан-оёқ томоша қилиб чиққандан... Олтин ўрда хони Ўзбекхоннинг кизи Шакар бика билан хоразмшоҳ Хусайн Сўфи иниси Оқ Сўфиларнинг фарзанди Севин бика кўпроқ Хонзода хоним нисбасида машури жаҳон бўлиб кетди. Хонзода хоним эндигина ўн тўрт ёшга қадам кўйганди.

Малика билан канизак, аслида икки сирдош дугона, бир варақайига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар.

- Биласенму, Оқ... Нима демокимен?... - сўради Хонзода хоним. Улар гулзор олдида туришарди. - Қани, топ-чи?..

- Топсам... Нима берасиз?... аймоққиликка ўтди Оққиз.

- Вуй, очкўз-е! Сенга нима керак?

- Шаҳар берасизму?  
- Қайси шаҳарни истайсен?

Баъзи оилаларда ота-оналар ўғил-қизларини кийинтиришга, чўнтакларини пулга тўлатиб қўйишга алоҳида эътибор берадилар. Шундай оилаларда болаларнинг билими, меҳнаткашлиги бу ёқда қолиб, уларни эғнидаги либосларнинг қай даражада қимматлигига қараб баҳолаш ҳам авж олади.

Саккизинчи синфда дарс ўтаётган эдим. Уртача ўқийдиган ўқувчимдан мактабга келмаганлиги сабабини сўраганимда плаш олиш отаси

миз ҳам ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Аммо улар ўз фаолиятларини қай йўсинда амалга ошираётганликларига бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Баъзида улар ўзлари толган пулларни керак-нокерак жойга сарф этадилар. Биз эса, бундан ҳар қачон ҳам хабардор бўла олмаймиз.

Танишларимдан бирининг машинасида кетаётган пайтимизда бекатда турган ўқувчи-бола қўлини кўтариб, мактабга шошаётганлигини айтиб, тезроқ олиб бориб қўйишни сўради.

**ТАРБИЯ СОАТИ**

нисбатан "хурмат", "эҳтиром" пайдо бўлади. Сўнг улар бизларнинг гамхўрликларимизни сарфлаётган пулларимиз микдори билан, олиб берган кийимларимизнинг қимматлиги билан баҳолайдилар. Уларнинг соф юракларидан оқибат, меҳр деб аталмиш туйғулар жой олиши мушкуллашади. Кўзларида бегоналик, бепарволикни кўрамыз. Фожеа мана шу ерда илдиз отади. Энди бола қай йўл билан бўлмасин кўпроқ пул топишни, чўнтагидаги пул билан ўзини кўз-кўз қилишни ўйлайди.

**ФАРЗАНДАРИМИЗ БИЗНИ УЯЛТИРИБ ҚЎЙМАСИНЛАР**



Танишим ажабланди, чунки у бориши керак бўлган мактаб бир бекат нарида эди, холос. Шунга қарамай бола машинага ўтирди-ю, «Ака тезроқ ҳайданг, хафа қилмайман»,-дея бизни шоширди. Бир зумда мактабга ҳам етиб келдик. Тез етиб келганлиги учун севинганидан ёнидан бир талай пулларни чиқариб, 2 та 200 сўмликини иргитди-да, «Яшанг, ака», деганча югуриб кетди. Хайрон бўлганимизча қолдик.

Ахир бу бола ҳали ўқувчи бўлса, шунча пулни қаердан олдийкин? Бу боланинг ота-онаси ўғлининг қандай пул топиб, қандай пул сарфлаётганини билармикан? Бу каби саволлар ўз жавобини кутар экан, пулни бола тарбиясида тутган ўрнидан лол бўлиб қолдим. Ахир 6-7 синфда ўқийдиган бу бола ўзини катталардек тутар, ўзини саховатпеша қилиб кўрсатишга уринар эди. Ҳолбуки бунинг ёшида бундан-да узоқ масофани югуриб-елиб ўтса бўларди-ку. Пулларга эса китоб, газета-журналлар олиб ўқиса қанчалик фойда бўлмасмиди? Гоҳида баъзи ота-оналарнинг мактаб ўқитувчиларидан пул сўраганлиги (обуна, суғурта ва ҳоказо) учун олишгани қуллоқча чалиниб қолади. Бироқ фарзандларига қимматбаҳо кийимлар олиб бераётганларидан ёки фарзандлар ёнида ҳисобсиз пуллар юрганлиги ёки фарзандларидан (балким кўрмаслар ҳам) лом-мим дейишмайди, безовта ҳам бўлишмайди.

Натижада маълум вақт ўтгач ниҳол-фарзандларимизнинг онгида пулга

Юқори синф ўқувчиларидан бири байрам мушакларидан бир талайини чўнтагига солганча ўртоқларига мақтанар эди. Ҳаммани лол қолдирмоқчи бўлдимиз билмадим, тўсатдан мушаклардан бирини парталар остидан ўқитувчини оёғи тагига думалатиб юборди. Бундан беҳабар ёш ўқитувчи дарсини тушунтирар экан, беихтиёр мушакни босиб юборди. Бирдан синф гўмбурлаб кетди. Аввалги ҳеч қим ҳеч нарсани тушунмай жим бўлиб қолишди. Сўнг ранги оқариб кетган ўқитувчини кўриб хоҳоллаб қулиб юборишди. Нима бу? Болаларча шўхликми ёки чўнтақдаги бебилиска пулнинг салбий оқибатларидан бирими? Менимча шундай бўлса керак. Яхшиям бу гал фожеа содир бўлмади (аслида бу ҳам бир фожеа). Борди-ю, ўйиндан ўқ чиқиб бирор та боланинг башараси дабдала бўлганда, оқибати учун кимни айблашар эди? Ўқитувчинини ёки синф раҳбаринини? Ҳар қалай ота-онадан кейин сўраларди. Фожеанинг моҳияти шундаки, биз фарзандлар ҳаракати, фаолияти учун ҳаммадан кейин жавоб берамиз. Фарзандларимиз бирор ёққа кетаётганларидан аввало ёнларидан қанча пулларни борлигини аниқлаб, келганларидан сўнг қанча пулни нимага сарфлаганликларини суриштирсак, уларда пул билан тўғри муомала қила олиш қобилиятини тарбиялаган бўламиз. Шу билан бирга фарзандларимизни чиройли яшашгагина мосламай, балки уларни ҳаётдаги турли оғир вазиятларда ўзини йўқотмаслик ҳамда руҳан тушқунликка тушмасликка ўргата олишимиз лозим. Шундагина улар бизга суюнадилару, аммо уялтириб қўймайдилар.

**Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ**



**ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН**

(Боши ўтган сонларда)

Ўйланган одам, ҳақиқатда, энг бахтиёр одам! Тўрт тарафи олтинга беланиб қолса-да, инсон ўзини излашларини, кўнглини овлашларини жуда-жуда хоҳлаб яшайди!

Бир оилани биламан. Эр-хотин обрўли, ўта меҳнаткаш ва ўзига тинч. Уларнинг эгачи-сингилларига қилган оқибатларига ҳаммаша қўйил қоламан. Ҳали унисини касалхонага жойлаган. Ҳали бунисига дори қидирган, бировига иш топган, бировининг уйини ремонт қилиб берган, бирови қарз бўлса, узган ва ҳоказо! Жўнатилган тугун-тугун кийимлар, бўхча-бўхча буюмларни қўяверинг! Аммо бу оиланинг ўзида катта йиғинлар бўладиган бўлса, ўртада ўзини қабоб қилиб турадиган бир дона жигарини кўрмайсиз. Бу хонадоннинг мурувватини соғиб инчан жигарларда оғирликнинг бир четини кўтарайлик дейиш йўқ, ҳеч йўқ сулур-сидирга ёрдамлашиш йўқ. Қирғийдай пайт пойлаб, бир четда томошабин бўлиб турадилар, йиғин тугаган заҳоти қўлга тушганини йиғиштирадиган-у тугунларини дўппайтириб жўнаб қоладилар...

Яқинда бир суҳбатда гап меҳр-оқибат ҳақида кетди. Ногаҳонда шу дўстимизга қараб қолдим, кўзларида мўлтирлаган ёш эди. Не гаплигини сўрайман. У чўқур хомуза торти-да, ўксук овозда деди: "Мени Худо ярақлаган - жигарларим кўп, аммо... меҳрибоним йўқ. Ҳозир-ку имконим дуруст, аммо ночор кунларимда ҳам уларга тинмай илинар эдим, илингин келаверар эди. Назаримда, мен уларни жуда яхши кўрадим, ҳар гал уларнинг мушкулани осон қилганимда, (бунинг учун гоҳо бошимни неча тошларга урардим, изтироб чекардим!) ўзим фоят енгил тортардим. Бугунга келиб, ёшимга ёш қўшилдим, ҳар қалай, қадримга йиғлай қолдим. Оғир беморликларни кечирдим, ёнимдан одам аримайди, лекин жигарларим йўқ. Наҳотки хавотир олишмайди деб ўқсийман. "Ўз қўлим билан мана бу овқатни қилдим, едириб кейин кетаман" дейишларини, "Кел, жигарим, бошингни бир уқалаб кўяй" дея алқашларини, ишим, муаммоларим билан қизиқишларини, юрагимга юракларини босиб хол сўрашларини дил-дилимдан тиланаман. Шу кунгача улардан ҳеч йўқ "Илигинг иссиқ турсин, мана бу пайпоқни атаб олиб келдим, ё оддий бўлса ҳам, мана бу чойшабини солиб ётгин" деган ҳиммати кўрмаганман. Асинча шундоқ гаплар бўладики, олдин кўтарсам ҳам энди кўтаролмай қолдим! Мана бу гапларни қаранг:

- Ука, сен албатта тузал, шу қизимни ҳам чиқариб бермасанг, бўлмайди!

- Опамиз боласига шунча катта иморат солди-я, биз катакдай ховлиларда ўтиб кетаверамизми, ўша иморатга кетган пулини бизга бўлиб берса бўлмасмиди?

- Бизга берган бўлса, бойиб-битиби кетгани учун берган. Ўйқловимизга у зор эмас! Жигар бўлиб еб кетса, кетибмиз-да!

Эшитдингизми, сиз шундай муносабатларда ўзингизни қандай тутган бўлардингиз? Мен эса музлаб бўлдим..."

Унинг кўз ёшлари ёмғирдай қуйиларди. У йиғламай қим йиғласин!? Одамзод нега болам кўпайсин деб тилананди? Кейинчалик бирига бири оталик, оналик қилади, бири бирини ўқитгани, камситгани қўймайди деб! Анови ахани қаранг, "шундай укам ўлиб кетса, доғига қандай чидайман" деб эмас, "бунга бир гап бўлса, қизимни уза-толмай қоламан" дея васасасага тушмоқда! Ўғлоним, илоҳим, авлоду аждодингга бундай бадхулқ, худобехабарларни рўбарў қилмасин! Бундайларнинг борида йўғи яхши!

(Давоми бор)

**Турсуной СОДИКОВА**

**СИЗДА УЛУҒ МЕҲР БОР ЭДИ**

Бевақт меҳрибон онажонимиздан айрилдик. "Тангри суйган бандасини эрта олади", дейишарди. Бу ҳақ гап экан. Онажонимнинг ҳеч қандай озорлари етмаган, жуда меҳрибон ҳамда жуда меҳнаткаш, содда аёл эдилар. Ҳар бир айтадиган сўзлари ҳикматдек эди.

Азиз онажоним отам билан қарийб 42 йил турмуш қуриб, биз беш ўғилу, беш қизни ҳалол нон билан боқиб улғайтирдилар. Ҳаммамизни олий маълумотли қилдилар. Бу айтишгагина осон. Булар замирида не-не азоблар, қийинчиликлар ётади. Эндигина барчамизни тинч қилиб, ўзингиз учун ҳам яшайдиган даврингиз келганда, кетдингиз. Мендек эркатойингизни алам-армонлар қуршовида ташлаб кетдингиз. Онажон, сизда улуг меҳр бор эди. Ҳеч қим сизнинг эътиборингиздан четда қолмасди. Фақат бизни эмас, бошқаларнинг ҳам ҳасратларини эшитиб таскин, маслаҳат берадингиз. Ҳаммамиз келиб сизга ташвишимизни ҳам, орзу-армонларимизни ҳам тўқиб солар эканмиз-у, сиздан ташвишларингизни сўраш эса

хаёлимизга ҳам келмас экан. Ҳар бир ўтган кунингиз, бошингиздан кечирган ҳар бир ҳодиса биз учун катта сабоқдир. Энди кенг ҳовлимиз тор бўлиб, ўзимиз мунгайиб қолдик. Сизнинг меҳр нури-нурингиз барчамизнинг қалбимизни, хонадонимизни ёритиб турган экан, онажон! Сизни кўп соғинаман, эслайман. Баҳор келса, майсаларни ўпиб "шу кунларга етказганига шукр" қилардингиз. Энди баҳор келса майсаларга не дейимиз? Сизни излайман, кўмсайман. Лекин топа олмайман.

**Меҳри осмонларга қибесим онам!**  
**Ердаги энг буюқ фариштам онам.**  
**Сизсиз бефайзидир еру-қўк онам,**  
**Менинг жон ўрнида жонгинам онам.**

Бу дунёда меҳри, эътиборли бўлайлик. Ота-онангизни хаётлик пайтларида бошингизга кўтаринг. Шундагина соғинч тўлган юрагингизни пушаймонлик қийнамайди.

**Гулзода ГУЛБОЕВА**  
**Навоий шаҳри**

**КўНГЛИМГА ҚАРАР ЭДИЛАР**

1999 йил 19 ноябрда бизнинг оиламиз учун оғир жудодлик бўлди. Шу кунга катта оғирликлар бу дунёни тарк этдилар. Ҳаммамизни доғда қолдириб кетдилар. У киши 6 қиз-у, 2 ўғилни тарбиялаб, воёга етказиб, уйли-жойли қилиб, набира-ю-чеваралар кўриб, армонсиз кетдилар. Фақатгина энг кенжа қизларининг фарзандларини ниҳоқ тўйини кўриш на-сиб этмади.

Мен билан жуда бошқача гаплашардилар. Жуда кўнглимга қарар эдилар. Ўтадиган хоналаримиз ёнма-ёнлиги учун ҳазиллашиб "қўшни" деб қақирардилар. "Қўшни, чой олиб келиб беринг, қўшни, чарчамадингизми". Зериксалар ёнларига мени қақириб олиб, ўз ўтмишларидан гапириб берадилар. Саҳардан уйқудан уйғониб, тирикчилик қилгани бозорга йўл олганларини, уйда мол-ҳол боққанларини айтиб берадилар. Жуда меҳнаткаш, абжир, қаққон инсон эдилар. Оиламизнинг маслаҳатгўйи, қалқони, паноҳи, посбони, нурийдисаи, сарбони эдилар. Ҳеч қимдан икки оғиз ширин сўз-у, маслаҳатларини аямасдилар. Улардан кейин уйимиз хувиллаб қолди. Маъракаларидан сўнг биринчи марта уйларини сулуғгани кириб, хувиллаб қолган ўрниларини кўриб роса йиғлабман. Ох, қани энди йиғи билан юрагим таскин топса. Афсус, энди изларини ҳам тополмаймиз. Ўтганларни Худо раҳмат қилсин, қолганларни саломат қилсин. Катта оғирликнинг ҳам жойлари жаннатда бўлсин.

**Хотира — муқаддас**  
**Латофат САЪДУЛЛАЕВА**

## ҲАЁТДАН ПОЛИМА, ЭЙ АЗИЗ ПЕШОН!

«Оила ва жамият» менинг энг яқин маслаҳатчим, керак бўлганда тўғри йўлга бошловчи, сабр-тоқатли бўлишга ундовчи дўстим десам муболаға бўлмайди. Ундаги турфа хил тақдирлар баъзида мени ўйга толдирса, баъзилари ҳаётда ҳар қандай вазиятда ҳам босик, вазмин бўлишга ундайди. Бир сўз билан айтганда: «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган хулосага келаман. Шу сабабли 2002 йилга обуна бўлдим. Мен унинг ҳар бир сонини кўз қорачигимдай асраб олиб қўяман.


Энди мен ҳам ўз ҳол-аҳволимни баён этсам. Бир йил олдин мен оғир дардга чалиниб қолдим. Умуман ўзимни билмай аянчли аҳволга тушиб қолгандим. Ҳаётдан бутунлай умидимни узгандим. Хатто етти йил интизорликда кутиб етишган ўғлим — Умиджонимни ҳам ўйламаганман. Оллоҳнинг ўзи кечирсин. Фикрлаш қобилиятимни йўқотиб, тушқунликка тушиб қолгандим. Ҳушим ўзимга келса анча яхши бўлардим, лекин касалим хуруж қилса ўзимни ёки ким ёмон гапирса шуни ўлдирмоқчи бўлардим. У кунларнинг ўтганига шукр! Менинг бу аҳволга тушимга

7 йиллик бефарзандликда ўтган умрим, она бўлишдек бахт насиб этмасмикан, деб сиқилишим сабаб бўлди, шекилли. Кеча-ю кундуз йиғлаб Оллоҳдан фарзанд сўрардим. Минг марта худого шукр, она бўлдим, лекин бироз соғлигимни йўқотдим. Уйдагилар, кўшнилариمنىнг: «Ахир болангни ўйласанг-чи, ўзинг зўрға етишдинг, энди уни етим қиласанми», - деб кўнглимга таскин беришлари ва шифокорларнинг меҳр билан, ширин сўз билан даволашлари мени яшашга, болажонимнинг орзу-ҳавасини кўришга қалбимда умид, ишонч уйғотди. Ҳозир анча тузукман. Кўлимга қалам олиб сизларга мактуб ёзишимдан мақсадим, қалби оқ халатидек пок шифокорларга — Қизилтепа тумани поликлиникаси бош шифокори Раҳима Шарипова, Бухоро вилояти руҳий касалликлар касалхонаси 5-бўлим бош шифокори Людмила Абдуллаева, қолаверса барча ҳамшира ва ки-

чик ҳамшираларга чин юракдан ташаккур билдираман. Уларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Илоё беморларга соғлик ато этгувчиларнинг ўзлари ҳамиша саломат бўлсинлар! Элюртимизга хизмат қилишдан асло толмасинлар. Уларга Янги 2002 йил кутлуғ келиб, бахт ва омад ёр бўлсин! Ҳеч қачон кўзлари нам, бошлари ғам кўрмасин! Фарзандлари қамолтини кўриб, неварга, эвара, чевараларининг сеvimли бувижони бўлиб юришсин! Дунёдаги барча азгу ниятлар ҳамроҳ бўлсин! Мендек беморлар бахтига омон бўлинглар, менинг азиз ва қадрдонларим!

**Ширин сўз асабнинг кори бўлармиш, Далда ҳам беморга дори бўлармиш. Ҳаётдан нолима, эй азиз инсон. Пешонангда битган бори бўлармиш.**

**Орзиғул ТУРСУНОВА**  
Навоий вилояти,  
Қизилтепа тумани



## ҒУРУР ЙЎЛ БЕРМАЙДИ

Қирқ ёш остонасида турибман. Тан олайки, эсимни таниганимдан бери бунчалик бошқотар вазиятга тушмаган эдим. Ҳозир оилам пароканда бўлиш арафасида. Атрофдагиларнинг турли-туман «миш-мишлар»и боис ўн йиллик турмушим нуради.

Ҳозир аёлимни болалар билан қолдириб, ўзим алоҳида чиқиб кетганман. Уйга кириб борсам, гўё орадан ҳеч гап ўтмагандек кутиб олишига ҳам ишонаман. Лекин бундай йўл тутушга, гарчи хато мендан ўтган бўлсада, ғурур йўл бермайди. «Осмон узок, ер қаттиқ!», деганлари шу бўлса керак. Гапнинг очиги, эсимни таниганимдан бери, илк марта бир жўяли маслаҳатга зарурат сезгандекман. Шу зарурат боис сизларга мактуб йўлладим. Мактубимга баҳоли қудрат тўлиб кетган вақтимда қозоғга туширган шеърларимдан бирини илова қилмоқдаман. Бу ёзмишларим менинг ҳозирги ҳолатимни тўлароқ ифодалар, деган фикрдаман.

**Мени сендан айириб,  
Сени хафа қилдилар.  
Ҳижрон сўзин айтириб,  
Юрагимни тилдилар.  
Кўнглинг менда биламан,  
Ноилождирман бироқ.  
Мен бир далли боламан —  
Хисларим йўнқароқ.  
Сенга тушган азобнинг,  
Соясига мен қолдим.  
Фиску-фужур тошин энг  
Оғирини мен олдим.  
Ўн йил қайлигим бўлиб,  
Бу кун наҳот панд берсанг?  
Тенгим, лойигим бўлиб,  
Садоқатдан юз бурсанг?  
Парво қилма, Комилам,  
«Миш-миш» гаплар ўтади.  
Бизнинг уйда ҳам байрам —  
Шодлик кунлар бўлади.  
Бизни кўролмаслар бор,  
Тинчиб туролмайдилар.  
Аммо орага зинҳор,  
Шубҳа сололмайдилар.  
Фақат ўзимиз, жоним,  
Агар бўлмасак таслим!**

Сизлардан маслаҳат кутиб қолувчи:

Тошкент шаҳри

АЗИЗ

## МЕН УНИ СЕВАМАН, ЛЕКИН...

Ёшим 18 да. Бундан икки йил олдин И. исмли йигит билан танишдим. У билан бир институтда ўқиймиз. Биз бир-биримизни севамиз. У билан ҳар куни учрашамиз, кейинги пайтда у негадир бошқача бўлиб қолди. Бир куни А. исмли курсдошим мени севишини айтди. Мен унинг сеvigисини рад этдим ва И. ни севишимни айтдим. Шунда унинг жаҳли чиқиб: «И. нинг нимасини севасан, ахир у гиёҳванд-ку, унга тегиб бир умр бахтсиз бўлиб яшайсанми», - деди. Мен унга ишонмадим. Аччиқ устида айтди, деб ўйладим. Кўп ўтмай яқин дугонам ҳам шу гапни айтди. Дугонанинг йигити И.нинг кўшниси. Мен бо-

риб И. дан шу гаплар ростми деб сўрадим. У эса, одамларнинг гапига ишонмаслигимни айтди. «Улар сени мендан ажратмоқчи. Шунинг учун уларнинг гапига қулоқ солма», - деди. Мен унинг гапига ишондим. Биз яна бир-биримиз билан учрашиб юравердик. Мен И. ҳақида оймга айтдим. Ойим эса: «Қизим, уларнинг оиласи яхши эмас, улар жудаям манман. Биз уларнинг тенги эмасмиз», - деди. Мен бу ҳақда И. га айтдим. У: «Севгимизга бу тўсиқлик қилолмайди. Агар холхасанг эртага оймини совчилликка юбораман», - деди. Мен жудаям хурсанд бўлдим. Эртасига оймга бир баҳона қилиб, ўқишдан қолдим. Ҳовлиларни супу-

риб, ҳаммаёқни тозалалаб кўйдим. Кечга яқин ростданам И.нинг онаси ва яна иккита хотин келди. Ойим билан дадам зўрға рози бўлишди. Шунда дунёда гўё мендан бахтли одам йўқдек туюлди.

Лекин бу хурсандчилигим узокқа чўзилмади. Дадам бир куни И.нинг гиёҳванд эканлигини бир одамдан эшитибдилар. Кейин билсам, у ростдан ҳам шунақа экан. Мен бир ҳафта ўқишга бормадим. И. эса ҳар куни кўчамизга келар ёки кўнгироқ қиларди. Лекин мен у билан гаплашмадим. Ўқишда кўрсам ҳам кўрмаганга олиб кетдим. Бир куни у олдимдан чиқиб, нимага совчиларни қайтарганини, нега кўнгироғига жавоб бер-

маётганимни сўради. Шунда мен унга: «Мен сизга турмушга чиқолмайман, сиз ростдан ҳам героин чекаркансиз», - дедим. Шунда у: «Агар сен менга турмушга чиқсанг, мен чекишни ташлайман, ҳаётимни сен билан қайтадан бошлайман», - деб ёлворди.

Мен нима қилишни билмайман. Агар мен унга турмушга чиқсам, у бу йўлдан қайтадими, қайтмайдими билмадим? Илтимос, менга маслаҳат беринг. Дугоналарим ундан воз кечишимни айтишди. Лекин мен уни жуда қаттиқ севаман-ку, ундан воз кечишимни ҳаёлимга ҳам келтира олмаяпман. Сизлар нима дейсиз, илтимос, менга ёрдам беринг, маслаҳат беринг.

ШАҲЛО

Тошкент

## «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ОРҚАЛИ ДИЙДОРЛАШИБ ТУРАЙЛИК

Ассалою алайкум «Оила ва жамият»нинг азиз жонқуярлари, шунингдек минглаб мухлислари!

Сиз азизларга Янги йил муносабати билан ўзининг энг қайноқ, самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман. Авваламбор, соғ бўлинглар. Доимо бор бўлинглар. Оилавий бахтсаодат, дили беғамлик тилайман. 2002 йил барча «Оила ва жамият»чилар учун бахт, омад ва қувонч йили бўлсин. «Оила ва жамият» орқали

бўлса ҳам дийдорлашиб турайлик. Мана 10 йил бўлибдики, бу газета ҳеч қўлимдан тушмайди. 10 йил — айтмоққа осон, лекин бунинг замирида қанча меҳнат, машаққат ётибди.

«Оила ва жамият» шу 10 йил давомида ўз номига яраша иш қилди. Газета оила билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликни, унинг моҳиятини, аҳамиятини ва пировардида келажagini ўқувчига сингдира олди, деб ўйлайман. Бунга муштарийларнинг

фикр-мулоҳазалари, уларнинг кўрган-кечирганлари, мактублари яққол мисол бўла олади. Ўрни келди, очиқ бир гапни айтсам, нима бўлди-ю бир куни ҳаёлимга «Оила ва жамият» чиқмай қолса нима бўлади, деган ўй келиб қолди. Солиштириб кўриб, унга ўхшаш бирорта газета тополмадим. Борингизга шукр!..

**Мурод Дил САЛОҲИДДИН**  
Шахрихон тумани

хабар бор...

- Қандай хабар?.. - чимирлиди Хонзода хонимнинг қора ҳилол янглиғ қошлари. - Ошиқларингиз тагин кўпайди, маликам... Турон султони Амир Темурагон хазратларининг паҳлавон ўғли валиахд Жаҳонгир Мирзо хуснингизнинг ошику шайдоси эрмиш...

Хоразм маликаси қутилмаган янгиликдан хайратланганча, қулоғини оҳиста нари олди, юзларида ҳеч нарсани билиб бўлмас бир ифода қотиб қолганди...

(Боши 2-бетда)

- Бош устига, маликам!  
- Жума куни Зангори қўл бўйига борамиз, Оқ...  
- Қандоқ ақллисиз-а, маликам!..

Оққизнинг маликасига меҳри ортиқ товланиб кетди. Тўрт томони қалин девор билан ўралган хайҳотдай саройда, у ер-бу ерга чиқмай, диққанафас кун кечираётган ёш қизлар учун хушманзара ўлангзорда кезиш, Зангори қўл бўйида, гулгун чодирларда дил яйратиб ҳордиқ олиш Оллоҳнинг бебаҳо бир

## ХОНЗОДА ХОНИМ

неъмاتي, инъоми эди. Оққиз ширингина энтиқди, кўз олдида ўлангзорга боргунча бўладиган шаҳар сайри, ям-яшил майсалар, Зангори қўлининг зилол сувлари, чексиз борлик, кўйлақларни нозик баданларга чиппа ёпиштириб фир-фир эсаётган ёқимли қир шамоли, осмонни тўлдириб гуриллаб учаётган турфа қушлар... - бари-бари бирмабир ўтди.

Канизак кўзлари уйнаган-

ча, маликага яқинлашди: - Қулоғингизни берингиз, маликам... Бир сир айтаман...

Малика, яхши эшитсин, дея, бежирим қулоқни бировга кўрғазига қизганиб яшириб турган қоп-қора сочларини қулоғининг ортига йиғиб қўйди. Улар ҳамон гулзор ёнида эдилар. Оққиз шивирлади:

- Маликам, бир қошиқ қонимдан кечасиз... Самарқанди фирдавсонанддан

## ГАЗЕТХОН ТАКЛИФИ

Анчадан бери «Оила ва жамият» мухлисларига бир фикр юзасидан мурожаат қилишни ўйлайман. Севимли газетамизда янги икки рунк ташкил этилса. Бу рунклар «Дардимга даво топдим» ва «Дардимга даво излайман», деб номланса. Чунки, газетамиз оилаларга хизмат қилади. Иссиқ жоннинг иситмаси бор, дейдилар. Ҳаётда касалга чалиниб, сўнг соғайиб кетганлар ёки кўп йиллардан бери касалига шифо излаб юрганлар жуда кўп. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», дейдилар. Хуллас, бу рунклар орқали касалдан тузалиб кетганлар дардини қандай йўл билан енганлари ҳақида ёзсалар, шифоталаб инсонлар эса ўз дардларига дармон излаб ёзсалар. Бу рунклар остида аввало ўзим мақолалар ёзмоқчиман, ўзгалар ҳам бу хайрли ишга ҳисса қўшсалар гоятда савобли иш бўларди, деб ўйлайман.

**Ҳамдам ҚИЛИЧЕВ**  
Қашқадарё вилояти,  
Қосон тумани,  
Оқтепа қишлоғи





Жуда ёшлигимда ота-онам ажралишиб, онам мени отамга қолдириб, бир синглимни эса ўзи билан олиб кетгани ҳақида эшитганман.

Шундан сўнг отам бошқа аёлга уйлانган, уч фарзанд кўрган. Ўғай қиларнинг ҳаммаси ҳам ўғайлик қиларвермайди, деган фикрдаман. Бу ҳар кимнинг ўзига боғлиқ бўлса керак. Йиллар ўтиб, мен ҳам улғайдим. Ота-онамнинг нега ажрашганининг

асл сабабини фахрлаб етдим. Мен нодон, болалик даврим кемтик ўтгани учун хамиша онамни қоралаб юраверибману, "илон" эса кўйнимда экан. Ажралишгач, отам доимо мени ўғирлаб кетар, онам эса йиғлаб қайтариб олиб келаркан. Охири бу ҳолаҳволдан онам чарчаган, шу-шу мен шўрпешона отамда қолиб кетганман. Оқибатда тарбиям билан жиддий шуғулланувчи одам бўлмасдан ўзимча юраверганман. Ўқиш билан ҳам ишим йўқ эди. Кунларнинг бирида эса бир мудхш хабарни эшитдим. Ана шундагина бошим деворга урилиб, кўзим очилди.

Отам ёшлигида ўзига бино қўйган, эркатой, олифта, қиморвоз экан. У уйланиб бола-чақа кўргач ҳам ўзгармай бадтар бўлибди. У бир куни онамни қиморга ютқазиб қўйибди. Ўша даврада ўтирган тоғамларни танийдиган бир киши ҳеч кимга билдирмай онамни момоларининг уйига қочириб юборибди. Онам ўшанда қанчалик эзилганликларини энди-энди ҳис этайлган. Ҳозир эса онамга далда бўлишни истайман. Лекин онам мен ҳақимда: "Чаён боласи чаён", бу ҳам ўша - отасининг қоли-

лига тушган-да", - деб ўйласалар керак. Онагинамни бу фикрдан қайтаргим келади-ю, уддасидан чиқолмайман. Негаки: "Ўхш, сен отанга ўхшамасан, нега ўқиб бир ишининг бошини тутиб одам бўлай демасан?" - десаларчи?... Мен не деб жавоб бераман ўшанда? Азиз юртдошларим, илтимос, ҳамма-ҳаммангиз мени тушунган

шолмай саргардон бўлиб юргани туфайли отасидан нафратланаркан, деб ўйланган. Мен аини дамда буларни баён этайпману кўзимда аччиқ ёшлар... Ахир бу "ота" мени онажонимдан, жонажон синглимдан айирди. Мен учун бундан оғир йўқотиш йўқ дунёда.

Жону жигарим онам олдига ошиқиб

менга. Шундай ҳам бўлди. Бир тўй экан-ку, синглимнинг бахти учун жонимни сўрашса ҳам ўйлаб ўтирмай беришга тайёрман. Аммо яна эзилди адо бўламан-да. Қаранг, ношуд отанинг қилмиши фарзанди ҳаётига қанчалар таъсир қиларкан. Отани шунинг учун ҳам кечиролмайман. Йўқ, ҳеч қачон кечиролмайман. Ёшим 23 да.

Ўқийман, одам бўламан, деб аҳд қилдим. Агар биринчи йил ўқишга киролмасам

яна ҳаракат қиламан. Хуллас, бир касб-кор эгаси бўлмасам бу дунёдан ёки тоқ ўтаман, ё эртароқ кетаман. Сабаби, бунақа қилиб қийналиб яшагандан кўра яшаман яхши. Азизларим! Кўз ёшим билан битган дил изҳоримни ўқиб қандай ҳаёлга келасиз, ихтиёрингиз. Аммо ёру биродарлардан, онажону отахонлардан интизор бўлиб маслаҳатларини кутаман. Ҳаётимга ўхшаш ҳаётни бошидан кечирган, қийинчиликларни мардонавор энгиб ўтган мендек инсонлар ҳам бордир бу дунёда. Бор бўлишса — газета орқали сирлашиб, танишиб олоқчиман.

Менга ҳозир маслаҳат, далда, таскин керак. Акс ҳолда мен армонли дунёдан армон билан кетишим ҳеч гап эмас.

**Не сабаб дунёга келдим, Шунчалар хўрланмоққаю? Ҳаётда ҳеч нани кўрмай, Бу дунёдан тўймоққаю? Онажонинг бор бўлсаю, Тўймасанг ҳеч дийдорга. Сингилжонинг тўй бўлсаю, Бора олмасанг тўйига...**

M.

Шахрисабз шаҳри

## Бундай отани ёира кечиролмайман



ҳолда холис айтинглар: "Кечириб бўларканми ўша отани?" Йўқ, менин ўзим шунақа ота бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрадим. Сабаби, бу отанинг фарзанди мен бўлсам, шу ёшга етиб на дўстдан ёлчиганман, на ёрдан. Бошимни қайга сукмай ишим юришмайди. Сиз мени фақат ёру дўстдан ёлчимагани, иши юришмай, оддий инсоний бахтга эри-

боролмасам, иссиқ кўксига бошимни қўйиб дардлашолмасам, бутун умр армону ҳасратда яшасам... Биласизларми, баъзида синглимни соғинганда онамнинг уйига кўргани борар эдим. Энди эса синглимни турмушга беришди. Синглимнинг тўйига боришдан ҳам бебаҳра қолдим. "Синглинг бахтли бўлсин десанг, тўйига бориб юрма", - дейишди

ДИЛ ИЗҲОРИ

## ИШОНМАГИН АЎСТИНГГА...

Ёшим 17 да. Билмадим, балки сўзлаб бермоқчи бўлганим айримларнинг тасаввурларида майда гапдир, лекин мен учун юрагимга қадалган тиканли зарба бўлди. Бу иши учун дугонамни кечира оламанми, йўқми-ўзим ҳам билмайман.

Хуллас, бундан тахминан бир ойча аввал 2 йилдан бери бирга ўқийдиган, мен учун энг яқин сирдошимга айланган қолган дугонам К. билан орамиз бузилди. Бундай ҳолинг сабабчиси дугонам К. нинг пинжига тикилиб олган Б. деган қиздир. У бизнинг мактабга жисмоний тарбиядан амалиётни ўташ учун келган эди. Ёши 18 да. Аввалига у билан жуда яқин бўлиб қолди. Кейинчалик унга яхшилаб назар солсам, фикру-хаёли фақат йигитларда экан. Ундан ўзимни четга тортдим. Чунки, "Ота-онам, маҳалламиздагилар бунақа қиз билан дўст эканлигимни билишса, нима деган одам бўламан", - деб ўйладим. Дугонам К. эса аксинча унга тобора яқинлаша борди. Дарсларга кирмайдиган, Б. нинг хонасида йигитлар билан суҳбат қуриб ўтирадиган одат чиқарди. Айбини тушунармикан, деб неча марта ичимдан зил кетсамда, ўзимни аразлаганга солиб юрдим. Ниҳоят, кунларнинг бирида К: "Мендан хафамисан, нега хомуш бўлиб юрибсан", - деб қолди. Мен аввалига: "Ҳеч нарса бўлган йўқ", дедим. Охири бўлмади. "Юравер ўша Б. билан, кўрасан ҳали у орамизни бузиб ҳам юборади", - дедим. Ва бўғзимга тикилган аччиқ

йигини тўкиб солдим. У эса индамади, фақат бир-икки оғиз сўз билан юпатган бўлди. Гапларим К. га таъсир қилмади. Ўша ҳол, ўша вазият такрорланаверди. Охири жонимга тегди ва К. га: "Менин кўз ёшларимни сен учун аҳамияти бўлмаса, мен учун ҳам сенинг ким билан дўстлашининг, ким билан юришининг, дарсларга кириш-кирмаслигининг, нима билан шуғулланишининг аҳамияти йўқ", - дедим. Ҳозирда К. билан фақат ўқиш юзасидан гаплашсак гаплашамиз, бўлмаса йўқ. Авваллари ҳар куни соатлаб бирга юрадиган, телефонда тинмай суҳбатлашадиган К. энди ҳаётимда гўёки йўқдек. Сўнгги пайтларда кўпчилик танишлар бу муносабатлардан воқиф бўлишган ва улар К. ни ноҳақ, деб топишмоқда. Мен эса изтиробдаман. У дарсга кирмаган пайтларида, бориб чакиргим келади. Лекин ўз-ўзимга берган ваъдам, гурурим бунга йўл қўймайди. Мен кунлардан бир кун, айниқса ўқимизнинг энг сўнгги ойларида дугонам бунчалар ўзгариб қолади, деб сира кутмагандим. Бу мактубни ҳам қалбимда минг хил азоб, миямда юз хил ўй билан ёздим. Акалар, опалар, сингиллар сизлардан илтимосим, ҳеч қачон дўстларингизга нисбатан бепарво бўлманг. Зеро, бир иш қилишдан олдин дўстингизнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Илтимос менга маслаҳат беринглар, нима қилай? К. билан қанча очиқчасига гаплашмай, фойда бераётгани йўқ.

РАҲНО

Тошкент

## БОШИМДА КЎТАРИБ ЮРАДИМ

1981 йил ўрта мактабни тугатиб, ўқишни давом эттириш учун Учқудуқ шаҳрига бордим. Кундузи ишлаб, кечкурун техникумда ўқиб юрдим. Шу ердан армия сафига чақирилдим. Армиядан қайтгандан сўнг яна Учқудуққа бориб ўт ўчириш қисмига ишга кирдим. Менин ота-онам эса Бухоро вилоят, Ёғдудуш туманида яшайдилар. Бир-икки ойда келиб ота-онамни кўриб қайтар эдим. Хуллас, 24 ёшимда ота-онамнинг қистови билан ўзимизнинг кишлоқлик 8-синфни аранг тугатган, ҳеч қаерда ишламайдиган бир қизга уйландим. Меҳнат таътилим тугагандан сўнг яна ўз ишимга кетиб қолдим. Лекин уйдагилар: "Кетсанг хотинингни ҳам олиб кет, ёки ўзинг ишингни ташлаб бу ёққа кел", - деб холи-жонимга қўйишмади. Мен эса ишимни ташлаб келолмасдим. Чунки ишим, топиш-тутушим яхши эди. Асосий касб-коримдан ташқари яна магазинда ҳам ишлар эдим. Кейин эса ижарага ўй олиб, турмуш ўртоғимни олиб кетдим. Дастлабки пайтларда ҳаётимиз яхши эди. Фарзандли бўлдик. Бу орада ишхона томонидан икки хонали уй олдим. Лекин

1992 йил отам юрак хасталиги билан оғриб, оламдан ўтдилар. Рўзгор ташвиши, яъни онам, укаларимга кўмак бериш асосан менинг зиммамда эди. Шу сабабли мен энди ишдан кейин тадбиркорлик билан шуғуллана бошладим. Да-ўт ўчириш қисмига ишга киридим. Менин ота-онам эса Бухоро вилоят, Ёғдудуш туманида яшайдилар. Бир-икки ойда келиб ота-онамни кўриб қайтар эдим. Хуллас, 24 ёшимда ота-онамнинг қистови билан ўзимизнинг кишлоқлик 8-синфни аранг тугатган, ҳеч қаерда ишламайдиган бир қизга уйландим. Меҳнат таътилим тугагандан сўнг яна ўз ишимга кетиб қолдим. Лекин уйдагилар: "Кетсанг хотинингни ҳам олиб кет, ёки ўзинг ишингни ташлаб бу ёққа кел", - деб холи-жонимга қўйишмади. Мен эса ишимни ташлаб келолмасдим. Чунки ишим, топиш-тутушим яхши эди. Асосий касб-коримдан ташқари яна магазинда ҳам ишлар эдим. Кейин эса ижарага ўй олиб, турмуш ўртоғимни олиб кетдим. Дастлабки пайтларда ҳаётимиз яхши эди. Фарзандли бўлдик. Бу орада ишхона томонидан икки хонали уй олдим. Лекин

диган бўлди. Мен ишдан келсам, уйда бегона эркаклар билан оқиби ўтирган бўларди. Мен бунга чидай олмасдан хотинимни уриб, сўкадиган бўлдим. Энг даҳшатлиси, у менга хиёнат қилди. Мен у билан бир ёстиққа бош қўйиб ёмон касални юқтирдим. Шундан сўнг биз ажрашдик. Мен ҳамма нарсани унга ташлаб, уйдан чиқиб кетдим. Турмуш ўртоғим билан ажрашганимизга уч йилдан ҳам ошди. Мен қишлоқдан 15 сотих жой олиб катта ҳовли қурдим. Яқинда катта ўғлим Шерзод онасини ўз уйида, қинғир иш устида қўриб қолиб, қочиб келди. Мен эса бу ҳолат ҳақида судга ариза ёзиб, шу орқали ўғлимни ўз тарбиямга олдим. Ҳозир ўғлим, мен ва онам бирга яшаймиз.

Оилам, бола-чақам деб жон қуйдирадиган, саранжом-сарашта, оқ кўнгли, вақтингизда ёрдам бериб турарсиз", - деб ишни қолган жойидан бошлади. Ҳамма бало-қазо ана шундан кейин бошланди. Хотиним мени менсимайдиган, менга бақирадиган одат чиқарди. "Товарга кезатман", - деб уйдан чиқиб кетиб, кеч кирганда бировларнинг машинасида кела-

ШОДИ

Бухоро вилояти

# ЯШАШ БАРИБИР ЯХШИ!

- Алло, бу мөнман танияпсизми? деди кўнгирак қилаётган йигит.  
- Йўқ, кимсиз? сўрадим мен.  
- Мен, Абдуғафформан, бундан уч йил аввал икки марта кўнгирак қилиб сиз билан гаплашганим.

Мен бу йигитни ҳамон эслолмаётганим.  
- Кечирасиз, сиз билан ўшанда нима ҳақда гаплашганим?  
- Бир киз билан бир-биримизни севшишимиз, унинг уйдагилари эса бунга қарши эканлиги, бошқа бир йигитга унаштириб қўйишгани, яқин орада тўй бўлиши ҳам белгилаб қўйилгани ҳақида...

Мен ўшанда сиздан маслаҳат сўраганим...  
- Мен сизга нима деб маслаҳат берганим ўшанда...

- Туманимиз хотин-қизлар кўмитаси раисини танишингизни, фақат зудлик билан мени...

## Кўнгиракларнинг эдан бири

риятга ариза ёзишимни, ёки бўлмаса тўғридан-тўғри ўзим ўша кишининг олдига бориб ёрдам сўрашим лозимлигини маслаҳат берганимиз.  
- Хўш, шундай қилганмидингиз?  
- Йўқ, бу ишларга ўшанда улгурмай қолдим.  
- Нима бўлди?  
- Биз иккимиз ҳам бир-биримиздан жуда бўлмаслик, бир-биримизга етишиш учун жуда кўп ҳаракат қилганим. Лекин ҳаракатларимиз зоғ кетди...

- Нима, севгилингиз ўша ота-онаси танлаган йигитга тегиб кетдими?  
- Йўқ... ўзини-ўзи...

- Ие, ҳали шунақа ишлар бўлиб кетдими?  
- Ҳа, олажон, у мени бир умрлик хижрону армонга ташлаб кетди... Ўшандан буён мен ҳам гўёки у билан бирга ҳаётни тарк этгандекман.

- Ота-онаси не сабабдан бунчалар сизларга қаршилик кўрсатишди? Оилаларингиздаги тафовут шунчалар каттами ёки?..

- Йўқ, аксинча бизнинг оиланинг обрў-эътибори ҳам, моддий жиҳати ҳам уларникидан баланд бўлса баландки, паст эмас. Фақат отаси бизни совчилардан аввалроқ борган ўша йигитнинг совчиларига розилик бериб қўйган экан. Отаси берган сўзидан қайтишни истамасди.

- Аслида у киз билан қандай топшиган эдингизлар?

- Пахтага чиққан пайтларимиз танишиб, уч-тўрт йил гаплашиб юрганмиш. Карате тўғарагига бирга катнардик.

- Ўшандаёқ совчиларингизни юборган экансиз-да...

- Мен юборай деганимда, у "Қачон юборишингизни ҳали ўзим айтман", - дедди ҳар қал... Ишқилиб тақдиримиз қўшилмаган экан-да...

- Чиройли кизмиди?

- Мен учун чиройли эди. Ҳамон унга тенг келадиган кизни кўрмайман. Балки менга шундай туюладими, билмадим. Лекин куйиб-ёниб юрган пайтларимда, дўстла-

рим: "Унақа жа, хурлиқо киз ҳам эмас-ку, нимасига бунчалар, ошиқи шайдосан", - дейишарди. Лекин у чиройли бўлибгина қолмай, каратечи эмасми, кучли киз эди. Тўйдан олдин кўнгли йўқ эканлигини билдириш учун ўша йигитни учрашувга чақирибди. Йигитга севмаслигини, ундан воз кечишини ялиниб-ёлвориб сўрабди. Йигит кўнмагач, жанжаллашиб уни ҳатто карате усулини қўллаб уриб ҳам юборибди... Охири, дод-войи ҳеч кимга таъсир қилмагач... Чўнтагидан менга ёзилган хат топишибди...

- Хатида нима деган экан?  
- Мендан кечирим сўраган, видолашган...

- Эҳ, у киз жудаям нотўғри иш қилибди-ку. Бир донишманд: "Бу дунёда ўлим деганлари янгилик эмас, ҳамма гап инсоний ҳаёт кечирибди", - деган экан. Ўлим бир лаҳзалик иш... Яшаш эса... Нечоғрили қийин, машаққатли бўлмасин, яшаш яхши. Нечага кирдингиз, ука?

- Ўшанда сизга кўнгирак қилган пайтларимда жуда ёш йигирмада эдим. Ҳозир 23 даман.  
- Ҳали ҳамон мотам чекиб юрибсизми?

- Нима қилай олажон, фикру хаёлимдан ҳеч чиқаролмасам... Куну тун у мен билан... Мен ҳатто уч йилдан бери уйимизга борганим йўқ. Ота-онамни кўрганам йўқ. Кўзимга ҳеч ким кўринмайди. Университетни битирганман, касб-корим бўйича ҳам ишламайман, қўлим ҳеч бир ишга бормади. Ноилж новвойчилик қилиб юрибман...

- Майли, ука, ўша қизни сира унутманг. Юрагингизнинг энг тўрида асраб авайланг... Оғир кечмишларни бошдан ўтказибсиз. Лекин яшаш ҳам керак-ку, ахир. Бу ҳаётдаги фарзандлик, йигитлик бурчингиз нақадар катта, нақадар масъулиятли эканлигини биласизми?

Ота-онангиз сиз туғилганда: "Ўғил кўрдик, қариганимизда суянчигимиз бўлади. Эл-юртимизнинг посбони бўлади. Бағримизни невараларга тўлдирди хали", - деб канчалар суюнишган бўлса керак. Сиз эса... Дунёга кўзингизни каттароқ очиб бир қаранг, ҳар лаҳзада не бир улуг, юксак ўзгаришлар, кашфиётлар юк бераёпти... Буларнинг ҳаммаси инсон ҳаётини юқори даражага кўтариш, яхшилашга қаратилган. Аждодлардан мерос қолган бу юртни - бу Ватанни гуллатиб-яшнатиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Халқимизнинг, Ватанимизнинг айниқса, сиз каби билаги куч-қувватга тўла йигит-қизлардан умиди катта эканлигини унуттишга сира-сира ҳақингиз йўқ. Сизга мунтазир ана шу улғвор максадниятлар йўлидаги биринчи қадамни ҳозирок қўйинг. Энг аввало ота-онангиз бағрига ошиқинг. Бу ғанимат дунёда жигаргўшаларингиз кўнглини, дуосини олиб қолишга улгуриңг. Яхши ният билан оила куриңг, ўғил-қизларни устириб тарбияланг. Инсоний яшашнинг маъно-мазмуни ана шундан иборат аслида...

САИДА

Ўтган соғларнинг қисқача мазмуни: **Икки севинган** — Равшан ва Лобар бир-бирига етишолмай, ҳаётнинг бошқа-бошқа сўқмоқларидан кетишади... Тақдир эса уларни яна синфдошларинг «ўи йиллик» зиёфатида учраштиради...

- Ие, синглим, қонун-қоида деган нарса бор, сиз ара-лашманг, - Лобарнинг буйруқ оҳангида гапириши унга ёқмади.  
- Берасизми-йўқми?  
- Бермайман, мен ўз хизмат бурчимни бажараяпман.

У қулиб Равшан билан са-ломлашди. "Собир, сен бир жойга бориб кел, мана адр-рук оҳангида гапириши унга ёқмади.  
- Берасизми-йўқми?  
- Бермайман, мен ўз хизмат бурчимни бажараяпман.

мен учун жонини ҳам аямайдиган йигитнинг қадрига етмадим-а". Лобар чуқур "уф-ф" тортди.  
Равшан ноўрин гапир-димми, деб хижолат чекиб ош ейшдан тўхтади.  
- Олинг, сиз еяверинг!  
Равшан: "Хўп", - деб бош

# ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

Лобар бир иш чиқмаслигини тушуниб:  
- Кетдик Равшан, эртага ўзи уйга олиб бориб беради, - деди.  
Равшан чуқур "уф" тортди машинага ўтирди.  
- Кечиринг Равшан, мени деб шундай бўлди, лекин сиз хавотир олманг. Эртага уйимга келсангиз, ҳужжатларингиз қўлингизда бўлади, - деди Лобар.  
Равшан Лобарнинг сўзларига бир ишониб, бир ишонмай машинани юргизди.

тортиб ичкарига кирди. Кичкина ҳовли гулларга бурканган, тарти билан қурилган уй жудаям чиройли кўринарди. "Уй эмас, сарой-ку бу", - деб ўйла-ди Равшан ичкарига кираркан. Улар меҳмонхонага киришди. Ўртадаги столда дастурхон безатилган, унда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. "Равшан, сиз ўтираверинг, мен ҳозир", - деб Лобар телефон трубкасини кўтарди. "Алло, алло, Жамшид ака, мен Лобарман, кечиринг, сизни яна безовта қилаяпман. Жўнатдим, раҳмат-раҳмат ака, хўп-хўп", - деди-ю трубкани жойига



Эртасига пешонасига "Ресторан Лобар" деб ёзилган хашаматли бинонинг олдида таксидан тушди. "Ҳа, чакки эмас, бўлмаса бундай катта ресторани қуриш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди", - деб ўйлади у биного ақинлашаркан.

силкиди-да чой хўплади.  
"Хотинига кўнгилик қўйиб кетган бўлса керак, лекин барибир мен уни унутолмаганим каби, у ҳам мени эслаб турса керак. Барибир биринчи муҳаббат..." Лобар шу хаёллар билан Равшанга қараб-қараб қўйди.

## Газетхон ижодидан

Нимагадир индамай ичкарига киришга истиҳола қилди. "Аслида кеча ўша милиционернинг ўзига қира пул берсам бўлармиди. Эҳрак бошим билан бир аёлни ўртага қўямани энди... Бекор келдим, барибир анча пул кетади". Равшан тўй ўйлар билан ўзини чалғитишга, оқлашга уринарди. Бу муаммони, қанча пул кетса-да, тўғрилса бўларди. Бироқ нима учундир Лобарнинг "олиб бераман", деган ваъдасини эслаб оёғи шу тарафга тортаверди... Хаёл билан ўзига яқинлашган йигитни сезмай қолди.

кўйди.  
- Яхшимисиз болам?, - бир аёл товоқда ош кўтариб кирди. Равшан ўрнидан туриб сўрашди.  
- Равшан, олиб ўтиринг, ўйланманг, ҳужжатларингиз узоғи билан бир соатлардан кейин қўлингизда бўлади, - деб жилмайиб қўйди. Уларнинг гаплари унчалик қовушавермади.

- Ассалому алайкум, - йигит Равшаннинг хаёлини бўлди.  
Равшан қўл чўзиб: "Яхшимисиз", деб қўришди.  
- Равшан ака, сизмисиз?  
- Ҳа.  
- Опа сизни уйга олиб бор, деб менга тайинлагандилар, юриңг, - йигит шундай деб, жавоб ҳам кутмай машинага қараб юрди.  
Равшан индамай унга эргашди. Машина ярим соатдан кейин ҳаво ранга бўялган дарвоза олдида тўхтади. Дарвоза очилиб, ичкаридан Лобар чиқиб келди.

Кеча Собирнинг тўйга кетганлиги туфайли сизни овора қилдим-да, Равшан.  
- Ҳечқиси йўқ, - Равшан жилмайди. - Мен ундан эмас, эринг келса нима дейди, шундан бироз ўйла-ниб турибман.  
- Эрим... - Лобар овқат олишдан тўхтаб ўйлабди қолди. "Ташлаб кетган десаммикан ё хайдаб юборганман десаммикан. Агар ўша аблаҳга эмас, қаршимдаги мана шу одамга текканимда, мендан бахтли аёл бўлмаган бўлар эди. Айримларга эрмак ҳам бўлмаган бўлармидим. Ҳа, қаршимда ўтирган мана шу йигит мени деб ўзини ўлдирмоқчи бўлган. Тўй кунни хотинига қарамаган ҳам, деб эшитганман. Мени чин дилидан яхши кўрган,

Мени... мени қарғиш урган Равшан, муҳаббатнинг қарғиши урган.  
Равшан гап ўзи ҳақида кетаётганлигини сезиб баттар хижолат бўлиб, бир нуқтага тикилиб қолди.  
- Агар ўшанда отамга тўғриси айтганимда балки тушунармиди, балки тушунмай "оқ" қилиб юборса ҳам айтишни керакмиди, - деди Лобар ўйчан.

- Нахотки бахтсиз бўлса, - хаёлга чўмди Равшан. У Лобарнинг юзига қарамасликка ҳаракат қилар, шунинг учун бир хонадаги мебелларга, бир девордаги гилла-ларга тикилиб ўтирди.  
- Равшан, эсингиздами, - сўзини давом эттирди Лобар, - бир кун сиз менга: "Агар отанг сени бошқага берса, олиб қочиб кетаман", дегандингиз. Тўй кунни кўчага чиқдим, хаёлимда сиз келасиз-у... Аммо... - Лобар бир нуқтага тикилганча, худди ўзи-га-ўзи гапираётгандек сўзлай бошлади. - Бир неча йил яхши яшадик, уни яхши кўриб ҳам қолганим. Отам вафот этгандан кейин у ўзгарди қолди.

(Давоми бор)

Раъно АБАЗОВА

**Оила ва жамият**

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлөзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси, 1-тоғ кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақсатли. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - { яқка обуначилар учун - 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ. Баҳоси эркин нарҳда. Адади — 30 000

Саҳифаловчи — **Жаъфар ЖАББОРОВ**.  
Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.  
Навбатчи — **М. СОДИҚОВ**.